

6-1-2020

## AUDIT METHODOLOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS

I. Meliyev PhD

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Meliyev, I. PhD (2020) "AUDIT METHODOLOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **АУДИТОРЛИК УСЛУБИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Мазкур мақола аудитнинг фан ва амалиёт сифатида тадқиқ этишнинг амалдаги ҳолати ҳамда аудиторлик фаолиятининг услубий масалаларига бағишланган. Шунингдек, мақолада аудитнинг услубий элементларига олимларнинг илмий ёндашувлари, аудитни тадқиқ этиш ва амалга ошириш жараёнидаги услубий муаммолар, аудит усуллари мазмунини аниқлаштириш ҳамда уларни амалда қўллаш бўйича илмий тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** аудит, аудиторлик фаолияти, аудиторлик усуллари, умумилмий усуллар, махсус усуллар, таҳлилий амаллар, аудит объектлари, фаннинг предмети, аудиторлик услубияти, аудитнинг автоматлашган дастурлари

## **AUDIT METHODOLOGY: PROBLEMS AND SOLUTIONS**

This article is devoted to the current state of audit studies as a science and practice, as well as methodological issues of audit. The article also presents the scientific approaches of scientists to the methodological elements of the audit, methodological problems in the process of research and implementation of the audit, provides scientific recommendations for determining the content of audit methods and their practical application.

**Keywords:** Audit, audit activity, methods of audit, general methods, special methods, analytical procedures, objects of audit, subject of audit, methodology of audit, automated audit programs

## **МЕТОДОЛОГИЯ АУДИТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

Данная статья посвящена современному состоянию аудиторских исследований как науки и практики, а также методологическим вопросам аудита. В статье также представлены научные подходы ученых к методологическим элементам аудита, методологические проблемы в процессе исследования и внедрения аудита, приведены научные рекомендации по определению содержания методов аудита и их практическому применению.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторская деятельность, методы аудита, общие методы, специальные методы, аналитические процедуры, объекты аудита, предмет аудита, методология аудита, автоматизированные программы аудита

## **Кириш**

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан "...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит

стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти...” [1].

Ўтказилаётган ислохотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида “йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш” каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди [2]. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудитни фан ва амалиёт сифатидаги амалий ҳамда услубий жиҳатларини такомиллаштириш, айниқса, аудит фанининг предмети, тадқиқот объектлари ҳамда усуллари мазмунини аниқлаштириш, тадқиқотлар ва текширувлар жараёнида энг самарали усул ва воситалардан кенг фойдаланишни таъминлаш каби масалаларни яхлит тарзда батафсил ўрганиш ва уларнинг амалиётга тадбиқи борасида чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда Россиялик иқтисодчи олимлар тадқиқотларида аудитни мустақил фан сифатида тан олиш, унинг предмети ва объектларини аниқлаштириш ва фаннинг янги қирраларини тадқиқ этиш долзарб деб қаралмоқда. Бу борада аудитни фан сифатида тадқиқ этиш бўйича иқтисодчи олим А.Д.Шереметнинг тавсифларини алоҳида эътироф этиш жоиздир (1-жадвал).

1-жадвал

#### Аудитнинг фан ва амалиёт сифатидаги тавсифи (А.Д.Шеремет ёндашувлари) [3]

Таркибий қисм	Тавсиф
Аудитнинг иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни	Бошқарувчи функционал фан ҳисобланади
Аудитнинг фан сифатидаги моҳиятини аниқлаш	У ўзида мустақил молиявий назорат билимларининг усул ва йўлларини мужассамлаштирган тизимдир
Аудитнинг молиявий назорат тизимидаги ўрни	Нazorat шаклларида бири ҳисобланади (давлат молиявий, ички молиявий назорат, тафтиш)
Аудит амалий фаолият тури сифатида	Мустақил молиявий назорат ва молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларни баҳолашга қаратилган бошқарув фаолият тури
Фан сифатидаги аудитнинг предмети	Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган субъектнинг молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлари мустақил назорати ҳаққонийлигини мазкур ҳисоботлар фойдаланувчилари томонидан қарор чиқаришни таъминловчи бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири
Аудит услубияти	Диалектикага асосланган, аудитнинг услубиятини аниқлайди. Диалектик ёндашувнинг асосий хусусияти - таҳлил ва синтезнинг бирлиги, кўрсаткичларнинг уларга ўзаро боғлиқлиги, ривожланиш ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш.

Мазкур масалада яна бир иқтисодчи олим В.И.Подольский эса, ўз тадқиқотларида А.Д.Шеремет шакллантирган хулосаларга асосланган ҳолда аудит назариясининг бир қатор қоидаларини янада ривожлантирган (2-жадвал).

2-жадвал

#### Аудитнинг фан сифатидаги тавсифи (В.И.Подольский ёндашувлари)[4]

Таркибий қисм	Тавсифи
---------------	---------

Аудитнинг фан сифатидаги предмети	Бошқарувнинг асосий функцияларидан бири сифатида, фойдаланувчиларни текширувдан ўтказилган субъектнинг ишончли молиявий ҳисобот ахборотлари билан таъминлаш ва бу ахборотларга асосан қарор қабул қилиш имконини таъминловчи ижтимоий фаолият туридир
Аудит усули	Тадқиқотнинг умумий ёндашуви сифатида диалектикага, яъни ривожланишнинг умумий қонуниятларига асосланган, аудитнинг услубияти ва уни қўллаш йўллари белгилаб берадиган таҳлил ва синтезнинг бирлиги, кўрсаткичларни ўзаро боғлиқликда ривожланишини ўрганиш ва бошқалар билан тавсифланади
Аудит услубияти	Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлар ҳаққонийлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни асослаш учун қўлланиладиган махсус усуллар, яъни аниқ жараёнлар, ҳисоб-китоблар, математик моделлар ва таққослашлар мажмуидир

Бизнинг фикримизча, А.Д.Шеремет ва В.И.Подольскийларнинг юқорида келтирилган тавсифларида аудитнинг фан сифатидаги ривожланишини бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқликда ва унинг иқтисодиёт фани тизимидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек, эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда қисман ўрганилган. Бу борада, М.М.Тулаходжаевнинг таърифига кўра “Аудит - бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир” [5]. Яна бир иқтисодчи олим, профессор Ҳ.Н.Мусаевнинг таъкидлашича: “Аудитнинг предмети хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг фаолиятлари ҳисобланади” [6].

Р.Д.Дусмуратовнинг фикрига кўра “аудитнинг методи кенг маънода аудит ўтказишда қўлланиладиган текширув усуллари билан шакллари билан ташкил топган, илмий-услубий жиҳатдан асосланган усуллар мажмуидир” [7].

А.А.Остонакулов эса, ўз тадқиқотларида “...аудиторлик текшируви жараёнида қўлланиладиган усуллар стандарт характерга эга бўлган усуллар ҳисобланиб, уларни нафақат аудит жараёнида балки, давлат секторида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар молиявий назорати жараёнида ҳам қўллаш самарали” эканлигини таъкидлайди [8].

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлсада, бироқ аудитни фан ва амалиёт сифатида унинг моҳиятини очиқ бериш ва аудитнинг методологик масалалари алоҳида илмий тадқиқот объекти ва яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда комплекс илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, аудит жамият тарихий тараққиёти давомида синалган иқтисодий амалиёт сифатида юзага келган. Аудитнинг ривожланиш тарихи нафақат қоидалар ва тамойиллар билан мустаҳкамланган аудитнинг халқаро стандартлари асосидаги амалий тавсияларни, балки унинг амалий фаолияти ва ривожланиш истикболларини тушунтириб берувчи муҳим мустақил аҳамиятга эга илмий тушунчаларни ҳам ишлаб чиқди. Шу билан бирга аудитни мустақил

фан сифатида тан олиш масаласи ҳозирги кунга қадар мунозарали бўлиб келмоқда. Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиб, биз аудит фанига куйидагича тавсиф беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

*Аудит фани - хўжалик юритувчи субъектларни самарали бошқариш ва ривожлантириш, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни тўғри қарорлар қабул қилиши учун уларни ишончли ахборот билан таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунийлиги ва молиявий ҳисоботининг ишончилигини баҳолашга оид билимларни мужассамлаштирувчи ва ҳосил қилувчи фандир.*


Бизнингча, аудиторлик фаолиятига оид ўзаро муносабатларда субъект сифатида давлат, аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мулкдорлари, бухгалтерия ҳисоботдан фойдаланувчилар ва аудиторларнинг профессионал жамоат ташкилотлари қатнашади. Аудит фан сифатида аудиторлик фаолияти субъектлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиб, амалий фаолият соҳаси сифатида эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигига оид текширув натижаларини тасдиқланган расмий шакл ва мазмундаги аудиторлик ҳужжатларида умумлаштиради ҳамда субъект раҳбариятига тақдим этади.

Юқоридагилардан кўринадики, аудит мустақил фан сифатида ўз предмети, объекти ва субъектларига эга. Фикримизча, аудит фанининг предмети деганда мазкур фаннинг бошқа фан ёки предметлардан ажратиб турувчи белгилари ёки хусусиятлари тушунилиб, унинг предметини бизнингча куйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир: *Аудит фанининг предмети – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини таъминлаш бўйича аудиторлик муносабатларини ўрганиш ҳисобланади.*

Ўз навбатида, юқоридаги таърифдан келиб чиққан ҳолда фаннинг объектлари деганда фан айнан нима(объект)ларни ўрганишини изоҳлаш талаб этилади. Демак, аудит фанининг объектлари бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган хўжалик муомалалари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ҳисобланади. Бундай объектлар қаторига хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк (товар-моддий заҳиралари, капитал ва молиявий қўйилмалари, асосий восита ва номоддий активлари) ва маблағ (пул маблағлари ва қимматли қоғоз)лари ҳаракати бўйича муомалалар ҳамда мазкур муомалаларга оид молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур фаннинг субъектлари деганда эса юқорида таъкидланган фаннинг объектларини ўрганишда қатнашувчилар, яъни фанни тадқиқ этувчилар, хўжалик юритувчи субъектлар мулк ва маблағларидан фойдаланувчилар, улар ҳисоби ва назоратини амалга оширувчилар тушунилади.

Фикримизча, аудитни фан сифатида таърифлаганда, унда фойдаланадиган умумий тадқиқот усулларини диалектика, расмий мантиқ ва тизимли ёндашув каби усулларга ажратиш мумкин. Аудит тадқиқот объектларига нисбатан профессионал қарорни шакллантириш мақсадида умумий усулларнинг

барчасидан аудиторлик далилларини тўплаш ва маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилади. Шунингдек, аудитнинг алоҳида ва аниқ объектларни текширишда қўлланиладиган хусусий ёки махсус усуллари ҳам мавжуд. Фикримизча, аудиторлик фаолиятининг услубий асослари қуйидаги элементлардан ташкил топади (1-расм).



**1-расм. Аудиторлик текширувининг услубий элементлари<sup>1</sup>**


Ўз навбатида, юқоридаги 1-расмда келтирилган аудиторлик текширувини ташкил этиш шакллариининг меъёрий-ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ҳисобланса, аудиторлик далилларни тўплаш амалларининг меъёрий-ҳуқуқий асоси 500-сон “Аудиторлик далиллар” номли ХАС, аудитнинг умумилмий ва махсус усуллариининг меъёрий асоси МҲХС, ХАСлар ва аудитга оид ўқув адабиётларида, аудиторлик таҳлилий амалларининг меъёрий-ҳуқуқий асоси эса 520-сон “Таҳлилий амаллар” номли ХАС ва бошқа аудиторлик миллий стандартлари каби ҳужжатларда (мазкур усулларнинг мазмуни ва қўллаш тартиби) ёритилган. Бу борада бизнинг қарашимиз А.Д.Шеремет ва В.И.Подольский нуқтаи-назарига мос келади. Фикримизча, аудит усуллари асосини аудиторлик дастури ва умумий режасида белгиланган вазифалар, аудиторлик тестлари ва далилларни тўплаш амаллари, аудиторлик танлаш ва бошқа таҳлилий амаллар ташкил этади.

Фикримизча, бугунги аудиторлик фаолиятининг услубий муаммоларидан бири – бу амалдаги аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўтказилган илмий тадқиқотларда аудиторлик фаолиятини илмий тадқиқ этиш ва амалга ошириш усуллариининг етарлича ёритилмаганлигидир. Бу ҳолат айниқса, амалиётда аудиторларни текширув усуллари мазмуни, аҳамияти ва қўллаш тартибини етарлича тушунмасликлари оқибатида текширувларни сифатсиз ёки самарасиз ўтказилишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимларининг аудит усулларига оид қарашларини умумлаштирган ҳолда аудиторлик фаолиятида қўлланиладиган усулларни қуйидагича

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган

туркумлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (2-расм).



**2-расм. Аудит усулларининг туркумланиши<sup>2</sup>**

Махсус усуллар қаторига аудиторлик далилларини олиш амаллари – назорат қилиш, кузатув, сўров ва тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш ва таҳлилий амалларни киритиш мумкин. Шунингдек, фикримизча, аудит усуллари текширувнинг алоҳида жиҳатларига нисбатан далиллар олиш талаблари, жумладан, ҳисобот санасидан кейинги воқеалар ва фаолиятнинг узлуксизлигини баҳолаш амалларини ҳам ўз ичига олади.

Аудитнинг умумилмий усулларининг айрим назарий-услубий масалалари республикамизнинг етакчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилиб, бу борада турлича ёндашувлар шакллантирилган (3-жадвал). Қуйидаги 3-жадвалда аудитнинг умумилмий усуллари моҳиятини изоҳлашга доир ёндашувлар келтирилган бўлиб, фикримизча, аудитни илмий фан сифатида тадқиқ этиш жараёнида қўлланиладиган илмий усуллар З.Д.Давронов ва Н.А.Шермухаммедовалар томонидан содда ва аниқ мазмунда баён этилган.

**3-жадвал**

**Аудитнинг умумилмий усуллари моҳиятини изоҳлашга доир ёндашувлар<sup>3</sup>**

Аудитнинг умумилмий усуллари номланиши	Давронов З.Д. [9]	Шермухаммедова Н.А. [10]
Анализ	Анализда бутун тизим моддий ёки фикран қисмларга ажратилади. Анализ бутунни билишнинг асосий ва зарурий босқичидир	Объектни амалда ёки фикран таркибий қисмларга ажратиш
Синтез	Қисмлар аввал алоҳида-алоҳида бўлақларга бўлиниб ўрганилади ва хулосалар чиқарилади. Бу хулосалар бутун учун синтездир	Синтез қисмлардан бутунни, худди шундай тарзда, қайта бирлаштириш
Қиёслаш	Қиёслаш тадқиқ қилинаётган нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни билишга, уларнинг алоқа ва муносабатларини аниқлашга ёрдам берадиган билиш усулидир	Таққослаш - объектлар (айни бир объектнинг ривожланиш босқичлари)нинг ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини, яъни уларнинг айниийлиги ва тафовутларини аниқловчи билиш операцияси
Аналогия	Аналогия нарса ва ходисалар ўртасида бирон-бир жиҳатдан ўхшашликни кўрсатувчи жараёндир	Аналогия(мослик, ўхшашлик)-ўхшаш бўлмаган объектларнинг айрим жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидаги ўхшашликларни аниқлаш
Индукция	Хусусийликдан умумийликка қараб бориш	Хусусийлик(тажриба, далил)дан умумийга

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

	жараёнини ўзида мужассамлаштирган тушунча	(уларни умумлаштириб хулоса чиқаришга) фикран ҳаракат қилиш
Дедукция	Дедукция умумий хулоса чиқариш маъносини беради, яъни хулосалар умумийликдан жузъийликка томон боради. Умумий фикрдан, қонундан хусусий қонунларни мантиқий равишда келтириб чиқариш, кашф этиш, ижод қилиш дедукциянинг асосий вазифасидир	Дедукциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, тадқиқотчи дедукция воситасида бир синф, бир жинс, бир гуруҳ нарса ёки ходиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қилади
Моделлаштириш	Моделлаштириш деганда ижод объектининг ҳар хил шакллари моддий ва фикрий жиҳатдан яратиш усули тушунилади	Моделлаштириш-борликни билвосита ўрганиш усули. Бирон объектнинг хусусиятларини уларни ўрганиш учун махсус тузилган бошқа объектда қайта ҳосил қилишдир
Тизимли (системали) ёндашув	Тизимли (системали) ёндашув, деганда қисмлардан ташкил топган ва муайян тарзда бир-бири билан боғланган ҳамда бир бутун яхлитликни ташкил этадиган жараёнларнинг ҳаммаси тушунилади	Фанда турли объектларни системалар сифатида тадқиқ этишни назарда тутадиган методологик тамойил (талаб)лар мажмуи
Тушунтириш	Нарса ва ходисаларнинг моҳиятини очиб бериш, улар тўғрисида тингловчиға билим бериш тушунилади. Тушуниш эса тушунтириш натижасида ҳиссий қабул қилинган билимлар йиғиндисидир	“Тушунтириш-инсоннинг ҳамкорлик фаолиятида билиш жараёнлари объектиға қирган нарса ва ходисаларнинг моҳиятини фикр узатиш, ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланиш, мулоқот, тақлид ёрдами билан ойдинлаштириш, хотирадаги билимлар ва ижтимоий тажрибалар билан уларни уйғунлаштирган ҳолда тушуниш сари етакловчи ақлий фаолият” [11]
Тавсифлаш	Нарса ёки ходисаға турли томондан ёндашиб, у ҳақида батафсил билимға эға бўлишни таъминлаш тавсиф этишдир	Тавсифлаш-тажриба (кузатиш ёки эксперимент) натижаларини фанда қабул қилинган маълум белгилаш тизимлари ёрдамида қайд этишдан иборат билиш операцияси
Абстракция	Кўп қиррали объектларнинг ҳар бирини яқка-яқка ҳолда эмас, балки маълум бир қисми ҳақида умумий фикр юритишға айтилади. Бинобарин, жонли мушоҳададан назарий жиҳатларға ўтиш аниқликдан абстракцияға ўтиш демақдир	Ўрганилаётган ходисанинг бир қанча хоссалари ва нисбатларидан фикран узоклашиш, айна пайтда тадқиқотчини қизиқтирган хоссаларни (энг аввало, муҳим, умумий хоссаларни) ажратиш жараёни

Фикримизча, юқорида келтирилган фикрлар асосида аудит усулиға қуйидагича таъриф бериш орқали унинг мазмуни ва аҳамиятини тўлиқ ва аниқ очиб бериш мумкин.

*Аудит усули - бу фанни тадқиқ этиш, аудиторлик текширувини амалға ошириш жараёнида бажариладиган ва қўлланиладиган тадқиқот тамойиллари, тартиблари, босқичлари, талаблари ҳамда таҳлилий амаллари мажмуидир (2-расм ва 3 ва 4-жадваллар).*

#### 4-жадвал

#### Аудитнинг махсус усуллари тавсифи<sup>4</sup>

№	Усулларнинг номланиши	Усулларнинг тавсифи
1	Ҳужжатлаштириш	Текширилган объект, хўжалик муомалалари ёки технологик жараёнларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги ва улар бўйича молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларнинг ишончлилигига оид аудитор фикри(хулосаси)ни барча учун тушунарли ва мазмунли бўлган тилда муайян шаклдаги ҳужжатларда акс эттириш усулидир. Бунда, текширув объекти ҳолати юридик асосға эға бўлган, давлат тилидаги шакл ва мазмундаги ҳужжатда тўғри, тўлиқ ва ўз муддатида акс эттирилса аудиторлик маълумотларининг ишончлилиги таъминланади
2	Инвентаризация	Текширилаётган корхона мулки ва маблағларининг ҳужжатдаги ва ҳақиқатдаги миқдори ҳамда ҳолатини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш усулидир. Бунда, инвентаризация комиссияси аъзолари томонидан корхона мулки ва маблағларининг ҳужжатдаги ва ҳақиқатдаги миқдори санаш, тортиш, ўлчаш ва кўз билан кўриш орқали ўртадаги тафовут ва уларнинг ҳолатига баҳо берилади
3	Ҳақиқий ҳолатни баҳолаш	Субъектда амалға оширилган мураккаб технологик жараёнлар ёки муомалаларни ҳақиқий ҳолатини бевосита аудиторлар томонидан барча зарур восита ва амалларни қўллаш орқали муомала ёки жараён амалға оширилган жойнинг ўзида текшириш усулидир
4	Сканерлаш	Текширилаётган субъект молиявий фаолиятидаги ноодатий ёки одатда кам кузатиладиган муомалаларни ўзаро боғлиқлик даражасини ёки тўғри ҳисобға олинганлигини текшириш усулидир. Масалан, фавқулодда фойда(зарар)ни пайдо бўлиш сабабларининг объектив баҳоланганлиги ва улар бўйича дастлабки ҳамда йиғма ҳисоб ҳужжатларидаги маълумотларнинг

<sup>4</sup>Муаллиф томонидан тайёрланган



		Ўзаро мувофиқлигини баҳолаш жараёнини мисол қилиш мумкин
5	Баҳолаш	Текширилаётган корхона мулки ва маблағларининг ҳақиқатдаги қийматини аниқлаш, амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги даражасини аниқлаш орқали корхона фаолиятига баҳо бериш жараёнидир
6	Калькуляция	Текширилаётган субъект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган иш ёки хизмат) лари таннархини тўғри баҳолашнинг текшириш жараёнидир
7	Статистик таҳлил	Текширилаётган корхонада амалга оширилган хўжалик муомалалари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан махсус статистик қондалар асосида ўрганиш жараёнидир. Бунда субъект расмий статистик ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ва ишончлилиги баҳоланиб, статистик ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўзаро таққосланади
8	Тафтиш	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш жараёнида текширилаётган корхонада аниқланган камчиликка масъул бўлган шахсларни камчиликни тузатиш юзасидан жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қилиш орқали текшириш усулидир
9	Муқобил баланс тузиш	Текширилаётган субъект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот(бажарилган иш ва хизмат)лар бўйича сарфланган хом-ашё ва материалларни меъёрдан четга чиқиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳамда уларни молиявий натижага таъсирини баҳолаш жараёнидир
10	Ўзаро солиштириш ёки таққослаш (қарама-қарши текшириш)	Текширилаётган корхона мулки ва маблағларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзаро солиштириш ёки таққослаш. Бунда текширилаётган корхонанинги ўзаро боғлиқ бўлган амалга оширилган хўжалик муомалалари ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўзаро қарама-қарши усулда солиштирилади
11	Прогнозлаштириш	Прогнозлаштириш – текширилаётган корхонада аниқланган камчиликларни келгусида такрорламаслигини таъминлаш юзасидан ривожлантириш йўллари ҳамда муддатларини кафолатли тарзда белгилаб бериш усулидир. Бунда корхонани келгусида ривожлантириш бўйича аниқ қафолатланган амалий тавсия(масалан бизнес-режа ёки сметалар тузиш, молиявий ҳисоботни қайтадан шакллантириш)лар қўшимча профессионал хизматлар орқали амалга оширилади
12	Гипотеза	Гипотеза - текширилаётган корхонада аниқланган камчиликларни келгусида такрорламанмаслигини таъминлаш юзасидан ривожлантириш йўллари кафолатланмаган(хўжатли равишда тасдиқланмаган) равишда оператив ёки оғзаки шаклдаги тавсия(хулоса)лар бериш усулидир. Бу усул кўпинча муҳим бўлмаган (оддий)камчиликларни киска муддат ва оператив тарзда бартараф этишда қўлланилади
13	Тестлаш ёки анкета саволномаларини ўтказиш	Текширилаётган корхонада амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш махсус тузилган тестлар ёки анкета саволномалари орқали текшириш амалга оширилади
14	Экспертиза	Текширилаётган корхонадаги муҳим ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган хўжалик муомалаларини махсус усуллар ёки лаборатория усулларини қўллаш орқали текшириш жараёнидир. Бу усул кўпинча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи органлар ташаббусига кўра аудит ўтказиш жараёнида қўлланилиб, бунда, камомадлар, қўшиб ёзишлар ва зарарларнинг миқдор ва сифати махсус усуллар ёрдамида аниқланади
15	Тизимли текшириш	Текширилаётган субъект ва унинг таркибий бўлимлари фаолиятига оид маълумотларни ўзаро мослигини аниқлаш ва бошқарув сифатини баҳолаш мақсадида текширув объектига алоқадор жараёнларни бошидан охиригача текшириш усулидир. Бу усул юқори бошқарув органи томонидан субъект таркибий бўлимларини бошқариш ёки назорат қилиш тизимининг самарасизлиги ёки мавжуд эмаслиги аниқланган ҳолларда қўлланилади
16	Сўров	Текширилаётган корхонада амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида масъул жавобгар шахсларни сўроқ қилиш жараёнидир. Бу усул кўпинча, корхона мулки ва маблағларининг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланиш ҳолатини аниқлашда қўлланилади
17	Кузатиш	Текширувда қўлланилаётган усуллар ва амалларни мақсадли қўлланилаётганлигини аниқлаш ҳамда усуллардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш
18	Тасдиқлаш	Аудиторга тақдим этилган миқдорнинг хўжалик муомалалари, технологик жараёнлар ва ҳисоботлари бўйича маълумотларини миқдор ёки учинчи шахслар маълумотларига мослигини тасдиқлаш мақсадида миқдор масъул шахслардан ёзма ахборот олиш усулидир. Бунда, дебиторлик қарзлари ва кредиторлик мажбуриятлари ҳолати, банк, сўғурта ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар бўйича маълумотлар расмий тарзда миқдор раҳбариятидан олиниши мумкин.
19	Таҳлилий амаллар	Текширилаётган молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар ҳолати ва молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш фактларининг мавжудлигини баҳолаш мақсадида ҳисобот кўрсаткичларини ўзаро солиштириш, таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш амаллари мажмуидир. Бунда таҳлил этилган муомала, технологик жараён ёки молиявий кўрсаткичларни шаклланишининг қонунийлиги, ўзаро боғлиқ ва фаркли жиҳатлари ҳамда уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади

И.Х.Чориевнинг таъкидлашича “текширувларда аудиторлик усуллари билан паралел равишда молиявий ҳисоботдаги номувофиқликларни аниқлаш ва текширилаётган субъект фаолияти самарадорлигини баҳолашда таҳлилий амалларни қўллаш самарали ҳисобланади. Ўз навбатида таҳлилий амалларни қўллаш орқали аудиторлик далилларни тўплаш учун меҳнат сарфини максимал

даражада пасайтириш ва текширув олдига қўйилган мақсадга қисқа муддатда юқори аниқликда эришиш имконини беради” [12].

Шундай қилиб, аудит амалий фан сифатида иқтисодий назариялар ва тўпланган аудиторлик амалиёти таъсири остида шаклланади. Аудитни мустақил фанга ажратишда бозор муносабатлари тизимида аудиторлик фаолияти субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **Хулоса ва таклифлар**

Аудитнинг фан ва амалиёт сифатидаги услубий масалаларига оид олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, республикаимиз иқтисодчи олимлари томонидан аудитнинг предмети ва методлари мазмунини аниқлаштириш ва улар орасидаги алоқадорликни очиб бериш бўйича турлича ёндашувлар шакллантирилган. Аммо бу борадаги илмий мунозаралар якунига етказилмаган ва аудит усулларининг узвий алоқадорлиги очиб берилмаган. Демак, бугунги кунда аудитда қўлланиладиган усулларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги улар мазмунини илмий асослаш, туркумлаш ва мантиқий изчилликдаги тизимга солишни тақозо этади.

Иккинчидан, республикаимизда бугунги кунга қадар аудитни мустақил фан ва амалиёт соҳаси сифатидаги предмет, объект ва субъектлари ҳамда тадқиқот усулларининг мазмуни ўқув адабиётлари ҳамда тадқиқотларда етарлича ёритилмаган. Аудитнинг фан ва амалиёт соҳаси сифатидаги усулларини умумилмий ва махсус усулларга ажратган ҳолда чуқур тадқиқ этиш долзарб илмий масалалардан саналади

Учинчидан, изланишлар натижасида аудиторлик текширувларида қўлланиладиган усуллар мазмуни, аҳамияти ва уларнинг ўзаро фарқли ва боғлиқ жиҳатлари амалдаги аудиторлик стандартларида, айниқса, аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларида аниқ ва батафсил баён этилмаганлиги кузатилди. Шу мақсадда, келгусида амалдаги аудиторлик стандартлари ва аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини такомиллаштиришда аудиторлик усуллари борасида янги қўшимча ва изоҳлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, аудитнинг фан ва амалиёт сифатидаги услубий муаммоларини бартараф этишнинг энг оптимал йўли бу аудиторлик фаолияти бўйича фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун халқаро бухгалтерлар федерацияси каби профессионал жамоат ташкилотлари, аудиторлик ташкилотлари ва бошқа аудитга оид профессионал хизматлар кўрсатувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик (ОТМларда филиаллар очиш, масофавий таълим курслари ва вебинар тарзидаги амалий семинарларни ташкил этиш, амалиётчи аудиторларни дарс жараёнларига жалб этиш, ОТМларда малакавий амалиёт учун ўқув соатларини кўпайтириш, текширувларга халқаро бухгалтерлик сертификатига эга бўлган мутахассисларни кенг жалб этиш ва ҳ.к.) алоқаларини янада чуқурлаштириш

лозим деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, илғор хориж давлатлари амалиётида қўлланиладиган аудитнинг автоматлашган дастурлари (AuditNET, IT Audit: Аудитор, ЭкспрессАудит: ПРОФ, AuditXP Комплекс Аудит) асосида текширувларда аудиторлик усулларни қўллаш жараёнини аудиторлик ташкилотлари ва тегишли ОТМлар фаолиятига кенг тадбиқ этиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори. <http://lex.uz/docs/3914502>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. <https://nrm.uz/docs/256490>.
3. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.
4. Подольский В.И. Аудит. Учебник.4-е изд. - М.: 2010. 744 стр.
5. Тўлаходжаева М. “Корхона молиявий аҳволи аудити”, Ўқув қўлланма. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” - Т.: 1998. 193 б.
6. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик, . - Т.: “Молия” 2003 й., 14 -бет.
7. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. -Т.: Молия, 2007. -22- бет.
8. Ostonokulov A. A. “Budget Organizations Formation and Improving Accounting for Out-of-Budget Budgets”. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 11-16.
9. Давронов З.Д. Илмий ижод методологияси: Ўқув қўлланма /. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й. 184 бет.
10. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси: Дарслик /. -Т.: “Fan va technology”, 2014 й. 512 бет.
11. Шермухамедова Н. Фалсафа. /. -Т.: “NOSHIR”, 2012 й. 1216 бет.
12. Choriev I. N. “From The Analytical Procedure At The Initial Stage Of The Audit Use Issues”. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 6-11.